

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

КУНДАЛИК ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМА

1991 йил 25 октябрь

ЖУМА

№ 207 (5.250)

БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Президенти:

БИЗ КОНФЕДЕРАЦИЯ ТАРАФДОРИ

Маълумки, Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилгани билан республика бир неча ўн йилликлар мобайнида вужудга келган алоқани бузмасликни, ягона иқтисодий ҳамкорликда қолиб, шунингдек, янги Иттифок шартномасига имзо чекишни ҳам режалаштирмоқда.

— Ислом Абдуғаниевич, ҳозир сўзини барчани тўқилантириб турган саволдан бошлай қўлай: Сизнинг назарингизда янги Иттифок шартномасининг имзоланиши ва қабул қилинаёган янги Конституциянинг истибболлари қандай?

— Ҳозирги босқичда биринчи гада янги бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ягона иқтисодий ҳамкорлик билан бозор бўлган республикалар ва регионларaro интеграция масалалари ва муаммоларини ҳал этиш лозим. Бундан биз бозорга бора олмаймиз ва энг муҳими — келаятган кишини ўта оғир кемирамиз. Шунинг учун ҳам ҳозир зудлик билан ҳал қилиниши талаб этилаётган энг долзарб масалалардан

бири бу — Иттифок шартномасини имзолашдир. Менинг назаримда, август тўнгаруви арафасида имзоланишга тайёарланган ҳужжат эндиликда мутлақо яроқсиз. Бутунги кунда биз янги шартномага унда конфедератив Иттифок принциплари сакланиши шарт билангина имзо чекишимиз мумкин.

Янги Иттифок Конституцияси масаласига келсак, айтишим мумкин-ки, яқин келажакда бундай ҳужжат ишлаб чиқиш учун ўткир ахтир кўраётганим йўқ. Ахир ҳозир гап мустақил Конституциясига эга бўлган мустақил давлатлар устида кетяпти.

Бироқ шу билан бирга мен зарурат тугилса мустақил иттифокдош давлатлар

учун муштарак бўлган ана шундай янги ҳужжат пайдо бўлиши мумкинлигини ҳам истисно этмайман.

— Айрим Жумҳуриятлар истиқлолга эришган ўз пулини жорий этишга жиддий киришдилар. Ўзбекистон ҳам келажакда мустақил пулига эга бўлишни режалаштирляпти?

— Республикамиз ички пул муомаласини истган пайтда кўриб чиқишимиз мумкин. Бунинг учун бизда имконият ҳам, жорий этилажак ақамизнинг барқорорлигини таъмин этишга қодир иқтисодий қудрат ҳам етарли. Мен бу ўринда Ўзбекистон ҳудудидан топишган ва қовлаб олинган юксак сифатли олтин захираларини назарда тутяман. Бироқ биз ҳозирча бирон бир ўзгариш қилиш ниятида эмасмиз. Ахир ўзаро иқтисодий ҳамкорлигимиз ягона молиявий-валюта тартибисиз қуруқ гап бўлиб қолади.

— Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон иқтисоди ҳақида гапирганда пахтадан эсламай йложимиз йўқ. Жумҳурият бу қимматбаҳо ўсимлигини етиштирувчи асосий ўлкалигига қояляпти. Айтнинг-чи, 1991 йил ҳосилининг аҳоли қандай?

— Республикамиз пахтакорлари учун бу йилги шартон ўта мураккаб келди. Май ойлариде ёққан дўл аралаш жалалар натижасида экин майдонларининг турдан бири вайрон бўлди. Зарар кўрган пайкалларнинг ярмидан кўпрогини бузиб, қайта экишга тўғри келди. Бу эса шубҳасиз пахта толасининг таннаригига таъсир этади. Жорий йилда хомчўтларимиз бўйича 4,5 миллион тонна пахта хом ашёси йиғиштириб олишни мўлжаллаб турибмиз. Пахтачиликда иқтисодий самарадорлини ошириш, шунингдек, пахта етиштирувчи хўжаликларнинг моддий-техника ресурсларини сотиб

олишда ортқча сарфланаётган харажатларни қисман бўлса-да қоплаш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси шу йилдан эътиборан пахта хом ашёси ва толасининг улгуржи ва чакана нархларини ўртача 50 фоизга ошириш ҳақида қарор қабул қилди.

— Ўзбекистон пахтаси биржа товари бўладими?

— Менимча биз шундай кунга етиб келдик. Товар ва хом ашёни марказдан туриб тақсимлашдек ярамас тартиб ўз ўрнини ҳақиқий бозор муносабатларига бўшатиб бериши шубҳасиз. Бозор муносабатларининг энг муҳим жиҳатларидан бири бу биржадир. Ўзбекистон биржаларида ўзаро битим асосида маҳсулот айирбошлаш билан биргаликда, пахтага халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган моллар, қурилиш материаллари, саноат асбоб-ускуналарини алмаштириш бошлаб юборилди.

— Кейинги пайтларда Ўзбекистонда кузатилаётган биржавий шов-шувларга қандай қарайсиз?

— Бунинг ажабланарли жойи йўқ, бундай ҳолини мен табиий бир жараён деб ҳисоблайман. Қолаверса, бу бозор муносабатлари барқорорлашиб, эркин ишбилармонлик ривож топиб бораётганидан далолат.

— Айтишларича, Ўзбекистонда биржалар фаолиятига доир қонун тайёрланаётган экан?

— Ҳа, шундай қонун лойиҳаси республика парламентининг навбатдаги сессияларидан бирида депутатларимиз ҳукмига ҳавола этилади.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош
Юрий ГАЛИМОВ,
«Деловой мир» рўзномаси,
16 октябрь 1991 йил.

ЯНГИЛАНАётган

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

ОБУНА БЎЛИНГ

БАҲОСИ: 12 ОЙГА 25 СЎМ 68 ТИЙИН
ИНДЕКС: 64602

ИСТАК ВА УМИД

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг доимий муҳлисиман. Унинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман. Ва катта қизиқиш билан ўқиб чиқаман. Мақолаларига ўзимча баҳо бераман. Кейинги пайтда бу рўзнома тубдан ўзгарди, десам хато қилмасам керак. Чунки янги ташкил этилган рубрика ва саҳифалар фикримнинг исботидир. «Аёл қалби», «Аччиқ асал», «Қонун номи билан», «Мунозара минбари» каби саҳифалар ташкил этилганига ҳали ҳеч қандай вақт бўлгани йўқ. Лекин уларда оз фурсат ичида биз муштарийлар ёдида қоладиган мақолалар берилди. Уларни номинаном санаб ўтишга ҳожат бўлмас керак. Менга ишонмаганлар рўзноманинг тўғри ойллик таҳлилини бир варақлаб чиксалар бас.

Мақтовларга умаслик қалам аҳлининг ақиб ҳислатидир. Шу боис улар тақидан ҳам тўғри худоса чиқара билладилар. Бетта айтганим захри йўқ, дегаларидек келгуси йилда менинг

арзимас таклиф-истакларимни инобатга оларсиз, деб умид қиламан.

Зерикари, бир-бирини такрорлайдиган хўжалик ахборотларидан вос кечиб, чуқур таҳлил этилган, истеъмол маҳсулотларининг кам-ёблтига ва қимматгарчиликка барҳам берадиган, иқтисодни ривожлантиришга кўмаклашадиган долзарб мақолалар бериш лозим. Ҳозирги алғов-далиғли замонда ёшлар ўртасидеги беокрибатликнинг олдини олиш учун ҳаёт тажрибасига эга бўлган кўп болали оилалар, пири бадавлат нурунийларнинг, меҳнат ва уруш фахрийларининг ибрат олса арзигули ҳаёт йўллари ҳақида ҳикоя қилувчи мунозарали, мулоҳазали мақолалар кўпроқ зарур.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг номини ўзгартириш тўғрисидаги таклифим шундай, мена қолса уни ўзгартирмаган маъқул.

Умаржон АБДУЛЛАЕВ,
Андижон вилояти, Аскадаги Зарбдор қишлоғи.

МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

САВОЛ: — Рўзноманинг номи ўзгарди-ми?
ЖАВОБ: — Ўзгариши мумкин.
САВОЛ: — У қандай бўлади?
ЖАВОБ: — Буниси сизга боғлиқ, азиз муштарийлар. Маълумки, 1991 йилнинг 18 сентябридан бошлаб рўзноманига дастлаб Ўзбекистон Республикаси ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, кейинроқ «ЎЗИЛОДО-ОВОШЧВИНПРОМ» концерни ва ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ муассис бўлди. Бу жуда катта шараф ва айни пайтда жуда катта масъулиятдир. Энди «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномаси барча қишлоқ меҳнатлашларининг, мева-сабзавот маҳсулотларининг тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналари ишчи-хизматчиларининг, шунингдек, Адлия вазирлиги таркибига кирувчи ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилувчи барча органлар ходимларининг ҳам рўзномасидир. Шундай экан, унинг номи мазмунига монанд бўлмоғи керак.



Бир чит қўйлақнинг оғирлиги қанча! Тахминан 900—1000 грамм. Шунча миқдордаги пахта 333 та чанокдан териб олинади. Пахта етиштиришнинг бошқа минглаб азоб-укубатлари ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Бухоро вилояти, Саврлов районидеги Навоий номи колхозининг Ғулом Бекмев бошлиқ бригадаси аъзолари 63 гектар майдондан 216 тонна оқ олтин териб олиб йиллик режани ошириб бажардилар. Иккониятларини чамалаб кўрган бригада заршунослари яна 300 тонна оқ олтин йиғиштириб олишга аҳд қилишган.

Минглаб, миллионлаб чаноклардан яратилаётган улкан хирмонга Санобар Орипова, Зевара Раҳмонова (суратда) сингари кўпнингкилограммчи термичилар салмоқли ҳисса қўшаётirlар.

Чори ОЛИМОВ олган сурат.

[Давоми 3- ва 4-бетларда].

ЖИЗЗАХ ВА НАМАНГАН ПАХТАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Жиззах вилояти заршунослари галабага осонликча эришишмади. Баҳорда табиат инжиқликлари туфайли мавжуд пахта майдонларининг ўн фоизига чигит қайта экилди. Яқин йиллар ичида бундай мушкул вазият юзга келмаганди. Май, июнь ойларида ерга қадалган барака уруғини ундиритиш, тўлиқ гектарлар ҳосил қилишнинг ўзи бўлмади. Муҳими маҳаллий шаронга мослашган, тез унинг чиқадиган чигит навияни тайлаш эди. Мутахассислар, тажрибадорлар кўп бош қотиришди. Айрим раҳбарлар билан талашиб-тортишишгача боришди. Охир оқибат С—9070 чигит нави танланди. Янгилинишмаган экан. Қисқа вақт ичида тўлиқ гектарлар барпо қилинди, ҳосил қутилганидан анида бўлди. Вилот деҳқонлари бу йил нималарга қодир эканликларини кўрсатдилар. 34 кун дегадда йиллик режа бажарилди. Қўччилик бунга техника шарофатидан деомда. Қизгин дамларда йиллик режанинг 6—7 фоизи миқдорда пахта тайёрланди. Машинада пахта териш режаси 120 фоизга адо этилди. Шу кунгача қабул пунктларига тоширилган 326 минг тонна вилот оқ олтинининг 300 минг тоннаси пўлат этаклардан тўкниди. Ялпи ҳосилнинг 86 фоизи биринчи навларга ўтказилди.

Дўстлик райони заршунослари Жиззахда биринчи бўлиб зафар қўчдилар. Бу ерда машина терими режаси 140 фоизга бажарилганлиги ҳам ютуқлар салмоғини кўрсатиб турибди. Мирзачўл, Арнасой, Пахтакор районларининг пахтапарварлари ҳам юксак суръат ва сифатга эришдилар. Дўстлик районидеги «Октябрь 50 йиллик», Ленин номи, Мирзачўл районидеги «Ўзбекистон», Сегизбоек номи, Пахтакор районидеги Кичанов номи совхозларда мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактаби яратилди.

Мавсум қахрамонлари ҳақида гап кетганида Пахтакор районидеги Кичанов номи совхоз механизатори Раҳмон Муродов ҳамда «Пахтакор» давлат хўжалиги суворийси Омон Жураев номларини фахр билан тилга олишмоқда. Бу икки азамат шу кунгача пўлат этакдан 215—230 тонна қимматли хом ашё тўқдилар. Қўйнингкилограммчилар ҳам бўш келишмади. Зомин районидеги Тоиров номи совхоздан Салима Темжирова ва Отиха Муҳиддиновларнинг ҳар бири шу кунгача 10 тоннадан пахта териб бердилар. Қўриқ вилот деҳқонлари ялпи ҳосил салмоғини 350 минг тоннага етказиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.



Зарбдор районидеги «Озарбайжон» давлат хўжалиги даладариде мўл ҳосил етиштирилди. Бу ерда илғор механизатор ва уста деҳқонлар кўл.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор аэно бошлиқлари Исоқ Бозоров (чапдан), Холиқул Тўйчиев ва бригада етакчиси Сиддиқ Аҳмедов. 2. Хўжалиқнинг пешқадам механизатори Холмурод Тўйчиев. У кунига 7—8 тоннадан оқ олтин термоқда. Айни пайтда унинг ҳисобида 120 тоннадан анид хом ашё бор.

О. ҲОШИМОВ олган суратлар.

ХИРМОНГА БАРАКА

Қорақалпоғистонда ва республика вилотларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 24 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ
(Режага нисбатан фонд ҳисобида)

Вилотлар	Вир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани	Вир кунда	Мавсум бошидан
БУХОРО	0,74	108,90	0,56	84,12	
ФАРҒОНА	0,48	103,57	0,38	94,98	
ҚАШҚАДАРЭ	0,96	103,48	0,84	112,01	
Жиззах	1,02	99,10	1,19	120,98	
Наманган	1,58	98,89	1,17	104,84	
Сурхондарэ	1,31	97,99	0,73	103,99	
Сирдарэ	0,83	97,94	0,69	108,97	
Андижон	1,15	94,50	1,12	102,03	
Тошкент	1,26	91,99	1,10	100,62	
Самарқанд	1,63	89,69	1,47	96,41	
Хоразм	1,04	72,69	0,80	42,77	
Қорақалпоғистон республикаси	1,18	70,94	0,94	68,55	

Республика бўйича 1,09 95,21 0,92 97,91

ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА

Сурхондарэ	1,49	98,82	—	—
Қашқадарэ	1,14	96,01	—	—
Бухоро	3,14	94,35	—	—
Наманган	1,09	80,99	—	—
Андижон	0,86	33,77	—	—

Республика бўйича 1,45 97,11 — —





ЧЎЛДА УНГАН ГУЛ

Унинг тақдирини Ўзбекистон билан чамбарчас деб билган. Уни ватаним деб билди ва бундан чексиз фахрланади. Ўзбек деҳқони ёнига кириб оқ олтин етиштириётганидан қувонади. Болалигидан даланинг муқаддас, ташвишлари унга қадридон бўлиб кетган. Умри чўлда ўтаётганидан нолимайди. Ансича, ўзи шу йилни танади. Бахтинини шу заминдан қолди.

Нина Сирдарё районидagi Илчи номи жамоа хўжалигида дунёга келди. Ўн тўрт ёшдан трактор ҳайдади, пахта терди. Ўқувчилик йилларидаёқ тенгдошлари орасида техникани бошқаришда биринчи бўларди. Ўқитимол ўшанда ҳаётини дала билан боғлашни кўнглига тукандир, чўлни, чўл одамларини ташлаб кетолмаслигини ҳис қилгандир. Шу сабаб мантабани битириб колхозда қолди.

Турмуша чиқач, 1970 йили Мирзачўл районидagi Сегизбоев номи совхозга олиниб билан кўчиб келди. Бу ерда ҳам пахтачилик бригадасида ишлади. Машинада пахта терди. Ўста пахтакорлар тажрибасини ўрганди. Унинг изланувчанлиги раҳбарлар назарига тушди. Бир-икки марта унинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, ёш механизаторга тан беришди. Н. Сирдарё зано бошлиғи этиб тайинланди.

Шу тариқа Нинанинг меҳнат фаолиятида янги дўр бошланди. Энди у ўзи учун эмас, кичкина бўлсада жамоа, 90 гектардан зиёд ернинг ҳосилига жавоб беради. Бошида бугеяни ўйла-

маган экан. Кейин унинг масъулиятини чуқур ҳис этди-ю, бир неча кун ҳаловатини йўқотиб юрди. Аммо одамлар уни қўллаб қувватлашди. Шу ишонч унинг руҳини кўтарди. Ёз бўйи ишлади. Пировардида режани уддалади. Ўшанда Нинанинг бу ютуғи тасодиф эмаслигини кўпчилик тушуниди. 1986 йили эса гектаридан 37 центнердан ҳосил кўтарди. Чўл ша-роитида бу ҳазил гап эмас.

Нина етакчилик қилаётган зано аъзолари бу йил 48 гектар ерда деҳқончилик қилишди. Режа 138 тонна эди. Ҳозир 175 тоннадан ошиб кетди. Гектаридан 36 центнердан дур йиғиштириб олинди. Бир неча йилдирки, совхозга Ердачилар жалб қилинмапти. Ҳа, айтиш тўрт киши шунча зар ундиришди. Шунга яраша даромад бўлади. Ўтган йили ҳар бир ишчи ойига ўртача 700—800 сўмдан ҳақ олган бўлса, бу йил знеда бўлиши кўтилмоқда.

— Нина Сирдарё ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди, — дейди хўжалик директори Умрзах Толбоев. — У вилоятда илгор пахтакор сифатида танилган. Етарли тажриба тўплаган. Шунинг учун ишда унум, барака бор. Техника билан етарли таъминланган.

Дарвоқе, совхоз йиллик режани вилоятда учинчи, районда биринчи бўлиб бажаради. 2900 гектар ердан режадаги 27,6 центнер ўрнига 29 центнердан пахта саранжомланди. 8.620 тонна дурнинг 85 фоизи юқори навларга топирилди. Машина терими 132 фонга адо этилди.

Кейинги пайтларда совхозда ҳосилдорликни кескин ўсишининг сабаби — алмашлар экишга жиддий эътибор берилди. Ҳозир 900 гектар ерда беда экилган. Ўтган йилги бедазорлар ўрнига чигит қадалган майдонлардан 40 центнерга-ча пахта олинди. Иккинчидан, сугориш, озиқлантириш ишлари вақтида олиб борилди. Сифатсиз чеканка қилган тракторчи муқофодан маҳрум қилинди. Терим ушқончилик билан ўтказилмоқда. Исрофгарчиликка йўл қўйилмапти. Хўжаликнинг етакчи механизаторлари Келан Шадепов, Шукур Рисбеков, Абай Даулетаров, Михаил Якушев ва Бурхон Утепов 175—185 тоннадан жавоҳир териб, хирмонга барака киритишди.

Нина билан суҳбатимизни яна давом эттирамиз:

— Кўп нарса раҳбарга боғлиқ, — дейди у. — Директордан ёлчилик. Аммо бир масала мени кўпдан ўйлантиради. Биласиз, бизда занолаз янара пудрати асосида ишлайди. Яъни, йил давомида қанча ўнг керак бўлса сотиб олади. Бунинг учун чек муомалада бўлади. Илгари шу чек зано бош-лиқларида бўларди. Энди у ширкат раислари қўлга ўтган. Занонинг қанча пули сафарлари, нималарга кет-ти аниқ билинмапти. Бу эса йил охирида баъзи ан-лашловчиликларга сабаб бўляпти. Истагим, шу маса-ла ҳусусида бир ўйлаб кў-риلسа.

Р. АБДУЛҲАЕВ.



Бу йил об-ҳаво чўлқуварларини неча бор синовдан ўтказди. Деҳқон кўзини қувватлиб яшнаган ғўзалар ерлар-чин бўлганида тажрибали заршунослар ҳам эсанкираб қолди. Айниқса, совхоз директори Эргаш Избосаров (суратда) қаттиқ ҳаяжонланди. Бироқ кўнглидан кеч-ганини сиртига юқтирмади. Кеча-ю-қундуз суви, механизатор мададор бўлди. Ўша ташвиш қўнларда ҳеч ким бу йил ҳосил шу даражада мўл бўлади, деб ҳаёлга келтирмагани.

— Ю. Фучик номи совхозимиз бир вақтлар Арнасой-да илгор хўжаликлари эди, — дейди директор. — Турли сабабларга кўра иш орқага кетди. Ерлар оздириб юборил-ди. Алмашлар экиш эсдан чиқди. Ҳосилдорлик кескин ка-майди. Одамлар тамоман тушқунликка берилишганди. Ўшанда мени директор этиб сайлашди. Ишончин оқлаш учун бор куч, имкониятни ишга солиди. Яхшигина тадбир-кор, ташаббускор заршунослар бор. Ўлар беминнат ёр-дамларини ашмади. Ҳамжihatликда барча соҳани бир-дек ривожлантириш, иқтисодий манфаддорликни таъ-минлашга киришдик. Кўп бирлаша тоғин талқон қи-лади, дейишгани рост. Даладарда ҳар қачондаги мўл ҳо-сил яратилди.

Етишмовчиликлар йўқ эмас. Иқтимоий соҳа муаммо-ларини ҳал этиш, савдо, тиббиёт хизматини давр талаб-лари даражасида ташкил этиш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Зеро, ҳаммаси даромадга боғлиқ. Бу йил кўннинг бахтига моддий манфаддорлик қўнлигидан зиёд бўлди. Деҳқон кўн росмана пул кўрди. Шу бонс улар кут-ба-рана, олам-олам қувонч олиб келган 1991 йилдан рози кетинса арзийди.

ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Бу йилги оқ олтин мавсумини деҳқон садоқати, фидойилиги рамзи деб таърифлаш мумкин. Ингим-терим шовқин-суронсиз, ортиқча қақирларсиз ўтказилмоқда. Очиги, ҳеч қачон жорий йилдагидек кўтаринчилик, самардорликни кўрмаганмиз. Қўриқ Жиззах вилояти заршу-нослари мустақил республика бойлиғига бойлик қўшиб, асосий тармоқни жадал ривожлантириш учун астойдил бел боғлашганди. Эл бахтига ниятларини рўйга чиқди. Қабул пунктларига 325 минг тонна Жиззах дурдониси етказиб берилди. Эришилган муваффақиятда Дўстлик, Мирзачўл, Арнасой, Фориш, Пахтакор районларининг ҳиссаси натта.

Агар барча кўлни қўлга бериб яқдил ҳаракат қилса, тадбирларини сифатли амалга оширса, ҳар қандай шароит-да ҳам мўл ҳосил етиштириш мумкинлигига яна бир бо-нишч ҳосил қилишди. Дўстлик районидagi Қосим Раҳи-мов номи, Ленин номи, Пахтакор районидagi Ичказов номи, Октябрь районидagi Собир Раҳимов номи, Ар-насой районидagi Юнус Фучик номи, Тимошенко но-ми, Василевский номи давлат хўжаликларининг натижа-лари бунга мисолдир. Ғалабага осонликча эришилмади. Май, июнь ойларига бўлиб ўтган дўл, жала оқибатида 24 минг гектар ердаги ниқоллар шикастланди. Катта майдонларга чигит икки-уч мартадан қайта экилди. Ўша кезларда халқимиз қанчалик пахтапарвар, фидокор экан-лиги яққол намоён бўлди. Одамлар ҳар бир ниқолни қалб кўри, меҳр эиси билан ардоқладилар. Илгорлар тажрибаси, фан ютуқлари амалиётда дадил жорий этил-ди. Вақти келса таваккал қилишдан чўчимадик. Свй-ҳаракат зое кетмади. Даладарда мўл ҳосил етиштирилди.

Жамбўлар ҳал қилувчи мавсумга алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Сабоқлардан турги хўлоса чиқаришга, ме-ханизатор кадрлар тайёрлашга эътибор кучайтирилганли-ги, агрегатлар пухта созланганлиги мақсадга эришишда асосий омил бўлди. 3.200 та зангори кема юқори унум билан ишлатилди. Давлатга топирилган вилоятимиз пахтасининг 300 минг тоннаси ёки 82 фоизи машиналар-да саранжомланди. Ҳар бир агрегат иш унуми 94 тонна-ни ташкил этди. Дўстлик районидagi Қосим Раҳимов номи давлат хўжалиги суворийлари Эсгерпалов, Рўзиев, Мирзачўл районидagi Абай номи совхоз механизатори Холмуродов ва бошқалар чинакам жасорат кўрсатдилар.

Таъкидлаш керак, сўнгги икки йил ичида вилоятимиз-да пахта ингим-теримида четдан ҳашарчи жалб этилма-пти. Натижада Тошкент шаҳридан, тоғли районлардан жалб қилинадиган 60—70 минг киши ортиқча ташвиш-лардан озод этилди. Пахтакор хўжаликларимиз улар учун сарфланадиган 16—18 миллион сўмни иқтисод қил-дилар. Юксак суръатни таъминлашда жумҳуриятимиз Президенти фармонлари ҳал қилувчи роль ўйнади. Уни биз ҳақли равишда таянч нуқтаси деб атадик. Пахта ҳа-рид нахларини 50 фонга ошириш, режадаги ҳосилнинг 5 фоизини ва режадан ортқ етиштирилганини эркин шартнома баҳосида сотиш ҳуқуқи берилганлиги чўлқу-варларимизни гўят хушнуд этди. Демак, ҳар қандай па-роитда ҳам мўмай даромад олинди. Бир чети бозор иқ-тисодиёти деҳқонларни эзиб турган бир пайтда Прези-дентимизнинг ҳаётбахш фармонлари уларнинг қаддини тиклади, барчаларига ало қайфият бахш этди. Колхоз ва совхозларимиз 250 миллион сўмга яқин қўшмача даромад оладиган бўлдлар. Қарағ, энди режадаги пах-тадан 16 минг тоннадан ортиқроғини хоҳлаган ерда со-тишимиз мумкин. Бу халқ фаровонлигини ошириш, таъми-нотин яхшилашга хизмат қилади.

Вилоят иқроия кўмитаси, ҳал қилувчи бўғинларда иш-лаётган раҳбар ва мутахассислар инсон омилига эътибор-ни кучайтиришга, меҳнатқашларни иқтимоий ҳимоялаш юзасидан ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят аҳолисини 1992—2000 йилларда ўзи-мизда етиштирилган бугдой, ун ва картошка билан таъ-минлашни асосий вазифа қилиб белгиладик. Шу мақ-садда 12.250 гектар ерда бошқоқ дон, 500 гектарга кар-тошка экиш мўлжалланган. Президентимиз фармони-га биноан 95 минг оилага 24 минг гектар томорқа ва турар жой учун ер ажратилган. Заминадан фойдаланишнинг аҳоли қатъий назорат қилиб қилинмоқда. Шубҳасиз, қўрилш материаллари танқислиги кўтилмаган кичинчи-ликларни қўндалағ қўймоқда. Муаммоларни ҳал этиш йўллари қидирилмоқда. Ҳар бир колхоз ва совхозда бир миллион тул, ҳар бир хонадонда 100 туздан терак экиш режалаштирилди. Бу йил аҳолига 10.655 тонна бугдой, 3.729 тонна ем учун ғалла, 93 минг тонна дағал ҳашак, 10 минг тонна ширли озуқа тарқатилди. Муҳтоқ оила-ларга 2.300 та буюқ, 222 минг боқ кўй, 3,5 минг чўча, 208 минг парранда сотилди. Буларнинг ҳаммаси одамлар қайфиятини кўтарди. Улар эртанги кунга ишонч билан боқмоқдалар.

Одамларимизнинг баҳоси йўқ. Улар барча ҳосилни саранжомлаб олмагунча кўнгилашни тинчимади. Демак, пахтакорларда меҳнат қўшиғи баралла йнграмоқда.

Н. УМАРОВ,
Жиззах вилояти деҳқончилик-сановат уюшмаси раиси.

● Арнасой районидagi Ю. Фучик номи давлат хў-жалиги аъзолари ғалабага муносиб улш қўшибди. Санд Аноркулов бошлиқ бў-лим деҳқонлари 340 гектар ерда чигит қадалган эди. Режа гектаридан 26 цент-нер. Даладарда ингим-терим қизғин олиб борилмоқда.

СУРАТДА: илгор механиз-атор Олдимурод Абдурахи-мов. У кунга 7—8 тонна-дан оқ олтин териб, ҳам-касблари ўртасида пешқа-дамлик қилапти.

А. ТУРАЕВ олган сурат.

ҒАЛАБА МУБОРАК, ЖИЗЗАХЛИК ЗАРШУНОСЛАР!

БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

Жамоамиз заршунослари режани уддалашганига ўн кундан ошди. Биз 1103 тонна ўрнига 1300 тоннадан зиёд оқ олтин тайёрладик. Бу гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди демакдир.

Йилнинг қийин келишига қарамай, деҳқонларимиз астойдил меҳнат қилишди. Жо-рий йилда 429 гектар ерда чигит қадалган эди. Ўза пар-варини ушқончилик билан олиб борилди. Натижада да-ладаримизда ҳосил учун пух-та замин тайёрланди. Айниқ-са, Эргаш Данқулов, Бекча Турдиев, Убайдулла Маматку-лов, Боллбек Қўлмирзаев бо-шлиқ занолазларда мўл ҳосил етиштирилди. Бу жамоалар режани ҳам беш кунда удда-ладилар. Ҳосилдорлик 30 цент-нердан знедн ташкил қилди.

Аъзоларимизнинг кайфияти яхши. Чунки, меҳнатимиздан манфаддорлик олиб бормоқ-да. Ҳосилнинг ҳам деярли ҳаммаси зангори кемадарда саранжомланди. Механизаторларимизнинг кўпчилиги мавсумда беш минг сўмдан ошириб даромад қилишди. Нерзи Сирлиев, Бахтиёр Ҳай-даров, Тиркеш Умиров, Бахо-дир Ҳайдаров улар жумла-сидандир. Азаматлар кечю-кундуз тер тўкишиб, режа ба-жарилишига муносиб ҳисса қўншди.

Чевар теримчиларимиз ҳам ингим-теримда фидокорона меҳнат қилишди. Айниқса, Гилос Жумаева, Гулсара Ҳай-дарова ҳамкасблари орасида пешқадамлик қилдилар. Улар-нинг ҳар бири мавсумда беш тоннадан ошириб оқ олтин теришди.

Менинг чўлга келганимга 25 йилдан ошди. Шундан буён пахтачилик билан шугуллана-ман. Бригадада етакчилик қи-лаётганимга бир неча йил бўлди. Қанча қийинчиликларим билан кечирдим. Лекин чўл ҳавосига ўргандим. Ўз кас-бимдан ҳам розиман. Шу ба-рам арафасида жамоамиз ҳам вилоятимиз зафарига ўз ҳис-саларини қўншиганидан хўр-санд.

Худоёр ҲАЙДАРОВ,
Пахтакор районидagi «Са-марқанда» давлат хўжалиги 8-йирқаштирилган брига-даси бошлиғи.



● Зарбод районидagi «Ленин йўли» давлат хўжалиги-нинг 22-бригадаси деҳқонлари 116 гектар ерда барака уруғи қадаб, мўл ҳосил етиштирилди. Ингим-терим ҳам намуналик ташкил этилди. Ҳар гектар ердан 22,3 цент-нердан, жами 259 тонна оқ олтин йиғиштирилиб олинди. Ҳом ашенинг юз фоизи биринчи навага топирилди. Ҳолмўмин Сафаров мавсумда ўз агрегати бункеридан 200 тонна дур бўшатнига аҳд қилган. Ҳозир 180 тонна пахта терди.

СУРАТДА: илгор механизатор Ҳолмўмин Сафаров.

О. ХОШИМОВ олган сурат.



БАРАКА ЙИЛИ

Районимиз давлатга пахта топириш режасини сўнгги марта 1981 йили бажарган эди. Шундан буён зинмага юклатилган топиришлар тур-ли сабабларга кўра уддалан-мади. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадига йил бо-шида жиддий маслаҳатландик. Хўжалик раҳбарларининг фикр-мулоҳазаларини эшит-дик. Тақлиқларини олдик. Ил-горлар тажрибасини чуқур ўргандик. Ёз давомида ўза парварини эътибордан қо-

Бунинг учун имконият етар-ли, даладарда ҳосил бор. Арнасой районидagi маррага биринчи бўлиб Ўлугбек номи совхоз этиб келди. У тўла ижара ҳисобига ўтказилган. Ерининг ҳақиқий эгаси деҳқон. Теласида туриб кўрсатма бе-ринининг ҳолати йўқ. Жамоа техникани ҳам ижарага олган. Барини кўз қорачидек ас-

райдди. Бу йил ҳар бир агре-гат билан ўртача 95 тоннадан пахта териб олинди. Илгорлар ҳақида гап кет-ганида маршал Тимошенко номи давлат хўжалигини ало-ҳида тилга олиш даркор. Не-гаки хўжалик 1980 йилдан бери пахта тайёрлаш режаси-ни удда қилолмай келарди. Йил бошида тадбиркор мута-хассис Мусурмон Рустамов

директор этиб тайинланди. Янги раҳбар илгари йўл қў-йилган камчиликларини ўрганди. Кеска пахтакорлар билан маслаҳатлашиб иш тутди. Нати-жада мўлжалдаги ҳосил ун-дирилди. Гектаридан 26 цент-нердан, жами 7.380 тонна пах-та олинди. Совхоз захматкаш-ларининг нияти ҳосилдорликни 30 центнерга етказиб, давлат-га 8 минг тонна оқ олтин со-

тиш. Азиз Сандқулов, Фаро-гат Шомуродова, Холбек Умрқулов, Норбой Очил-ов бошлиқлик қилаётган ширкат-лар меҳнат ғалабасига натта улш қўншди. Улар етишти-рилган масъулотиинг ҳамма-сини машиналарда териб олинди. Яқинда Холбек Ум-рқулов раислик қилаётган 5-ширкат даладарига борганди. У ердаги ҳосилни кўриб қу-

вондим. Бўлмаса, ширкат йиллик режани 130 фонга қўйиллатиб қўйган. 581 гектар ерининг ҳар гектаридан 25,4 центнердан жами 927 тонна пахта етиштириш режалашти-рилган эди. Ҳозиргача уйган хирмонлари 1.200 тоннага ет-ди. Яна бир диққатга сазовор томони, теримда кўл кучидан фойдаланилмади. Пўлат от чавандозлари Қонкул Жолго-шев 250 тонна, Турғун Фай-зиев 210 тоннадан пахта те-риб беришди. Узим меҳнат қилаётган шу совхознинг бош-

қа механизаторлари ҳам бўш келинмади. Унумдорликка қараб даро-мад кўнваларек экан. Масла-лан, Сайфиг Елғозиев зано-сида беш нафар ишчи ишлайди. 49 гектар ери бор. Дастлабик ҳисоб-китобларга кўра беш нафар ишчининг ҳар бири на-мида 13 минг сўмдан пул олади. Бошқа занолазларда ҳам ахшигини даромад қилиш ку-тилмапти.

Б. ЕЛҒОШЕВ,
механизатор.

Т. СОЙНАЗАРОВ.

- ОБУНА-92.

3. ПЕРНЕЕВ олган сурат.

Т. ҒАНИЕВ,
и Республикаси
хўжалиги вазир
вачилик бошқар
иғи.



СССР ТАШҚИ
КАРЗИ МУАММОСИ

ридан охирида сўзга чиқиб, хазирги даврга қарийб 70 миллиард полларни ташкил эъланди. Совет ташқи қарчи маддаси Бангкокдаги кеши гада фаол мухомака ки дингайлигини таъинлади. Хозирги пайтда бу масала америкалик ҳукумат экс перлари томонидан тахлил қилинмода, деди вазир ўринбосари. Жумладан Со вет Иттифоқининг Гарб мамлакатларига ташқи қар зини тулаш муддатларини кечиктириш имконияти му хомака қилинмоқда. Д Ма рфординнг гапларига қара ганда ишлаб чиқаришга ва риантлардан бири СССРда қатъий валютанинг етишмас лиги ва у ерда вужудга кел ган гоит мураккаб иқтисодий вазият муносабати билан

унга қарзларини тўлатиш оид
ли билан бир нилгача му
датга кечиктириш имкони
ни беришнинг қўзда тутил
ди. Янги пайтда Совет И
лонга қарзлар юзасидан му
тўлатиш давом эттирд
ди. Малфордининг хабар қил
ди, «еттилик» мамлака
лари яқин вақт ичи
СССРга янги қисқа мудда
ли кредитлар бериш им
конининг ҳам истисно этм
япти. улар Совет олтин з
дираси билан таъминданиш
керас. Ҳозир Совет Иттиф
қи олдида турган энг мух
вазифалардан бири «ни
кредитлар олишга эриши
масда»да ташқи молиявий
мажбуриятларига риоя эти
дан нобарат» деб таъкидл
ди вазир ўринбосари.

Прокуратура органиларга
юлغا етаган болаларни таъ-
миноти учун нафакаларни ў-
қув ва ҳаёт шартларидан
қўлдан-қўлга ошмаётган келиб
қолган Суда жижирчаларнинг
ўз қизмат базасидан нафака мас-
ъулиятсизлик билан қарашлари,
суддагилар алимент ундириш
қадагиди қарорларнинг ижро
этиши учун ўз вақтида жавоб-
гар қишгаётган таъшиқлотларга
иборасмислқ, суд қарорлари
жирмасини мунтазам текшири-
турмаслик оқибатидан аса шун-
дай нуксонларга йул қуйи-
лаётир. Сунги бир ярим йил-
да прокуратура оргнларни ўз
вақтида нафакаи олмаётган
2000 дан ортиқ оналарнинг
шикоятларини қўриб чиқиб
икойиб қил қилдилар.

Бу вазифани бажариш учун прокуратура органига ўзига қонуни билан берилган ваколат доирасида фуқароларнинг, давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган мулкий, оилавий, меҳнат ва уй-жой ҳуқуқларини тиклаш, ҳуқуқбузарликни исбатлаш қонуни билан белгиланган маъмурий, иттиҳомий, маъодий ва низоъат жиноий жавобгарлик чораларини кўриш йўли билан ўз ҳиссаларини қўйишга алоқадор.

Мамматки, фукарорларнинг бузилган хукуқлари, асосан, суд йўли билан тикланида. Судларда эса айниқса, халқнинг қўришда юксак малакага эга бўлган ходимлар ҳали камлиги туфайли низолининг қўриб ҳал қилишда шомша-шошерлик, далилларни тўлғашлик ва уларни синчиқлаб текширишда, чуқур таҳлил этишишда ҳамда тўғри баҳо беришда, қонуни таъбиқ этишда қўп-дан-қўп ҳато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Оқибатда, асоссиэ ёки қонунга хилофат қарорлар қабул қилинади. Бу ўз наватида фукарорларга томонидан юқори идораларга

жүн норозликлар ва шикоятлар тушущига сабаб бўлаётган. Судларда фуқаролик ишларини қонуний ҳал қилишда нисбатан атрофлича чўқури текшириб, бузилган ҳуқуқларни уш уш вақтида қонуни талабига асосан тиклашда прокурорлар наизатини катта аҳамият касб этаётган.

Кейинги йилларда ҳалқ судларининг қонуниуси ва далилларга асосланмаган қарорларни уш вақтида прокурорлар томонидан кассация тартибда ноқонунийлик билдириш йўли билан бекор қилиниб, жумҳуриятимизда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш анча яхшиланди.

1990 ва 1991 йилнинг биринчи ярмида ҳалқ судларининг 17 мингтага яқин ҳал қилу

Вилоятлардаги адлия бошкармалари, қолёвсера, Адлия Вазирлиги, ҳаққ судларининг иккочилчи фалояти устидан назорати куяйтирсалар, фалоятлардан тушган шикоятларнинг камаяишта ҳамда суд, адлия ва прокуратура органларининг фалояти озадидан билдирилган норозиликларнинг олди олинган буларди.

Уз навбатда прокуратура судларининг фукаралик ишлашларини уртидан қили, уларнинг иккочис уртидан қилиш яна куяйтирсалар, қонунга қилган ва асосис қарорлар қабул қилишнинг олдинчи олиш, фукараларнинг ҳуқуқ ва манфалатларига зид бўлган қарорларни қисқа фурсатда бекор қилиш чораларини амалга оширишни уларнинг муқаддас бурчилари, деб билишлари зарур.

[illegible]

қорларни прокурорларнинг қонунга асосланган ҳуқуқларига мувофиқ қилганлар. Шунинг билан, меҳнат ҳуқуқлари бўзилган 950 га яқин, ва ушбу ҳуқуқлари бўзилган 1700 га яқин фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинган. Прокурорларнинг тақдирлари бўзилган сан бир ярим йил ичида ҳаллими судларнинг 1200 дан ортиги қонунга ҳилоф равишда асосиз чиқарган қорарларни бўзилган, қайтадан қўрилган ва фуқароларнинг бўзилган ҳуқуқлари тикланган,

Яна бир муаммо. Хукукни ҳимой қилиш органилари фақатгина органик томондан, яъни сонларини, олдин олиқ, кейин пайини қирқиди маъбутияти алоҳида ўрни бор. Хукуқни демократик дугал қуриш бўлса, савасида турган республика мизда алоҳида махсус хукуқни маъбуот органи бўлмаган бир шароитда «Кишлоқ ҳақиқати ўзининг махсус сакчиёси билан маълум даражада фуқаро ларга хуқуқий билим беришга интилаётганилиги қўлал-қоватл ватл ва кўмек бериш жоиз д.р. Аиникс ҳозирги янги ланаётан «Кишлоқ ҳақиқати» га хуқуқни ҳимой қилувчи органлар органик томондан, яъни вазирлигининг муассис бўлганлиги, ҳа гоят қувончлидир. Руноамонинг номини ўзгарти риш масаласини ҳам жидайди роқ ўйлаб қуриш зарур. Шун ди-ном қўйиш керакики, ис- ми-жисмига ярашиб турсин.

Прокуратура органларининг аралашуви натижасида ижро этилган суд қарорлари ҳақида бундай далилларни кўплаб келтириш мумкин.

Рустам МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
прокуратурасининг судларда
фуқаролик ишларини кўри
устидан назорат бўлими
бошлиғи, 3-даражали адли
давлат маслаҳатчиси, ҳуқуқ
шўнослик фанлари номзоди

МУНОЗАРА **МИНБАРИ**

ТАҚСИМОТДА
АДОЛАТ БЎЛСИН

Хурматли «Қишлоқ ҳақиқати» муҳаррирлари, Шу йил 12 октябр кuni эълон қилинган «Янгилаётган «Қишлоқ ҳақиқати»га обуна бўлиш» сарлавҳали мақолаларини ўқиб, титқисчилик сифатида ўзининг батиши фикр-мулоҳазаларини билдиришқизи.

Мама, бозор иқтисодиётига ўттиш, нарх-навоини сақон кўтарилиб кетишини баббид меҳнатчиларнинг турмуш шароитини бир текис ушлаб туриш мақсадида ёрдам пули беришга қарар қилинди. Аслида бу маблар давлат томонидан тўлашши лозим эди. Авиалига шундай ҳам бўлиб, Давлат томонидан бир ойгина ўша пул тўланди. Кейинчалик ҳар бир ҳўжалиқнинг ўз кассасидан берилиш, деган қарор пайдо бўлди. Аммо, ўзалари қарага ботган ҳўжалиқлар нима қилишни керак? Техника, эҳтиёт қисмлар, ёнгил-моёлаш материаллари, минерал ўғитларини нархи осмонда. Оқибатда жами ҳаражат маҳсулот таннархи устига тушиши туфайли ҳўжалиқ юритиш мумкин бўлаётирки, асти қўяверасиз. Бунинг устига қўшимча давлат банқасидан олинадиган қисқа муددатли қарз тўлови ҳам ошиб кетди. Шундай шароитда ҳўжалиқ ўз ҳамёнидан қандай

Биринчи, колхоз ишлари чиқарилишида фаол қатнашга тайинланган, усталичи, бошқарувида ва пуliga ўхшаш ишлар билан шуғулланишни намоғинатга қолдирган бўлиб ўхшайлик ҳисобидан туриб ҳар ойига 1000 сумдан, ёрдамда пули олса, иккинчидан ишлаб чиқарилишида фаол қатнашиб, ҳужалиқда яратилаётган моддий бойликни ўз ҳиссасини қўшаётган ҳолда пули пок меҳнат кишигиз ҳам шу миқдорда пули олиб бериш, бу алоқадарми?



Китоб район қишлоқ
хўжалик химияси бош-
қармасининг ёрдамчи хў-
жалиги асарлариниси Ман-
сур Қодиров ёш бўли-
шига қарамай ўз касби-
нинг билимдонларидан
ҳисобланади. У етказиб
бераётган маҳсулот ис-
теъмолчиларга фойда ман-
зур бўлмоқда.

СУРАТДА: асаларичи

М. Қодиров.

Ш. ШАРОПОВ сурати.
(ЎзТАГ).



Косонсой районидаги «Правда» колхозида 1989 йил гишт заводи қурилиб ишга туширилган эди. У ерда ҳақиқий инки миллион донга яқин гишт ишлаб чиқаришмоқда. «Коммунизм», «Ленин йўли», «Шарқ долдзу» ва бошқа колхоз-совхозлар эш ахтиёклари учун керакли гишт материалларини шу кичик корхонадан оладилар.

СУРАТДА: ишлаб чиқарин илагори Исроилжон Жўраев иш устид.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган сурат.

«Қишлоқ ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ПАХТАКОРГА МАШИНА ТЕГАДИМИ?»

«...Умрим давомида ҳўжалик бошқаруvidан бирор хонис ердок олмагаилимизни назарда тутиб, 1987 йили Девоно район Ижрокўумига ўз пулмига машина беришларини сураб ариза ёздим. Ижрокўум раиси мени назар-писан, қилимаганили, ари хўлимини эшитишни хўлмаганилига мени алам қилди. Кейин шаҳар партия кўмитасига муружаат қилдим. У ердан аризамни ўзим ишлаётган «Галаба» жамоа хўжалиги бошқаруvининг раиси А. Нормурадовга жунатишди. Раис мени 6 ой сарсон сарғардан қилди. Ниҳоят, 1989 йил 25 октябрда жамоа хўжалиги бошқаруvidан алоқа хати олиб ижрокўўма бордим. Ижрокўўм котиби Тўшметир Турдиев даб-дурустдан «Сизга машина йўқ, лекнин алоқа хати билан аризангизни оли қоламан, кейинчалик йўлаб кўраимиз» деди. Нима қилди керак? Наҳотки, бизга ўқшаш колхозчиларнинг аризолимини эшитадиган бирорта мурувватли раҳбар бўлмаса?

«Вилоят ижрония комитети районларга енгил автомашина фондидан ажратгандан кейин, район ижрония комитетлари бу фонди жамoa ва давлат хўжаликлари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларга тақсимот қилади. Ажратилган автомашиналарни кимга беришни жамoa ва давлат хўжалиги, корхона ташкилот ва муассаса раҳбарлари меҳнат жамoаси қасаба уюшмаси билан беллишган ҳолда ҳал этади».

МУҲАРРИРИЯТДАН:
ганилмаган. Агар хўжаларни кимга беришни жамда Б. Элмуродовга жамда олиш учун алоқа хати монидан бу талаб конди

Иазкур шикоят атрофлича ўр-
ка ажратилган автомашина-
да бошқаруви ҳал этса, у ҳол-
ҳужалиги томонидан машина
рилган-ку. Лекин ижроқўм то-
маган.

рё вилоят Кенгаши ижроня ко-
жавоб кутамиз.

ПАРИЖ, Францияга келган СССР Ташки Ишлаш вазирлиги Борис Ланкин Францияда озодлик ташкилотининг раиси Ясир Арафат билан учрашди. Уларнинг учрашувида, матбуот учун, қўша ахборот тарғиб этилди. Шу ахборотда айталик, Франциянинг Париждаги ахборот бартараф этишининг қўлини масалалари ҳусусида ба тафовит фикрларини олинди. Сўхбат чоғида, ташкилот раиси Ясир Арафатнинг йўлга қўйиши Совет Иттифоқининг «симати юксак баҳоланди. Мадрид суверенитет конференциясида яратиб берилганнинг имкониятдан фойдаланиш зарурлигини таъкидланди. Фаолитин муаммоларини одилона ҳал қилиш ариабар билан Исроил Ташкилотидан жоғари бартараф қилинишинг Узаги ақанин назарда тутиб, Узаро алоқа ва масалатлашувларнинг вом этиширига таййарлиги таъкидланди.

ролин тузилмалари Дубров-
ник шаҳри яқинида Югос-
лавия халқ армиясининг бу-
тинималарига ҳужум қилди-
лар. Қарши ҳужумга ўтиш
натijasида армия қисман
ри бир қанча маъзилдоҳлар
дан Хорват отрядларини су-
риб қаршига ва шаҳардан
олти километр нарида му-
таҳкам ўрнашди олтинга му-
ваффақ бўдиллар. Хорватия
радиосининг хабарига кўра
Вуковар шаҳри миномёт ва
тўплардан ўққа тутилди.
Тўрт мингдан кўпроқ Хор-
ват гвардиячиси шу шаҳар-
да қуршовда турди. Бел-
град радиосининг таъкидла-
шича, Вуковарда қурша-
олинган ҳарбий казармалар-
дан отилган миномёт ўқла-
рига жавобан армия бўли-
малари ҳам ўт очганлар.
Хорват тузилмалари
шовдан қиқшига бир неча
бор уриниб қўрдилар, дей-
таъкидланади хабарда.

ПЕКИН. Хитой Халқ Рес
публикаси мудофаа фани ва
техникаси комитети раиси

ДАМАШҚ. Ироқда маълум жавобдори Амар йўлга қўйиб, қўлга олинган милитария армия тўртинчи қорусининг 15 айтиби ва 20 аскари тўхлатилди. Қарил жан қилдан бош торгани учун қатъий эътибор. Суриянинг САН ахборот бошқармаси Багдад билан ишқилоф бўлган Эрондаги қўллардан олнинг маълумотларга асослан ш ҳабарни тарқатди. Садам Хусейн ҳуқумронлиги қарил бўлган қилларнинг маълумотларига кўра Ироқ қарил ҳаво қўллари Жануари бошқа бир жой — А Багдад қўқоқлар тўплан турган жойларга ҳуқуқ қилиш қориди БМТнинг бир қирғич белгиларидан фойдаланмоқда. Манзилҳоқларнинг бомбардимон қилётган вертолётларда милитариянинг ҳалқаро ҳамжамияти белгилари борлиги қатъий эътибор.

ҚОҲИРА. Қувайтда
нефть конларида шу кунга
ча чет эллик ўт ўчириш
мандаринининг куч-гайра
билан 653 та кон қудуқла
ёнингини ўчиришга муваффа
қ бўлиди, деб ҳабар кел
ақшанда кунини «Ал-Ваф
рўзномаси. Шундай қил
ғия 74 та қон-қудуқдан
ғия тугатилса, бас. Му
ҳассисларнинг фикрича,
иш қўп вақтини олмайд

(TACC).

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.30